

Бозарова Феруза Ғайбуллаевна

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в. б.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистан Миллий университети

ИММАНУИЛ КАНТ ФАЛСАФАСИДА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК КАТЕГОРИЯЛАР ТАДҚИҚИ

XVIII аср олмон мумтоз эстетикасининг асосчиларидан ҳисобланган Иммануил Кант (Kant / 1724-1804) ўз ижодий изланишларининг маҳсули сифатида “Тўзаллик ва улугворлик туйғулари устидан кузатишлар” (1764), “Соф ақлнинг танқиди” (1781), “Амалий ақлнинг танқиди” (1788), “Мулоҳаза қобилиятининг танқиди” (1796) каби йирик асарларни ёзиб қолдирган.

Улугворлик мулоҳазаси ҳақида Кант “Мулоҳаза қобилиятининг танқиди”да алоҳида тўхталиб, куйидаги фикр ва мулоҳазаларни келтиради.

Объектга манфаатни кўзламай қарасак, унинг мавжудлигига бефарқ муносабатда бўламиз. Улугвор объект маълум бир шаклсиз бўлсада, унинг катталиги, ҳажми ва миқёси, унга нисбатан барчада хайрихоҳликни юзага келтиради. Бу ҳодиса онгли равишда амалга ошиб, бунда биз субъектив ички мақсадга мувофиқликка эга билиш қобилиятларимизни қўллаймиз, шу сабабли хайрихоҳлик юзага келади. Демак, хайрихоҳликни объект (шаклсиз объект) келтириб чиқармайди, бу субъектив ҳодиса бўлиб, шу ўринда Кант: “улугворлик объекти эмас, балки, улугворлик мулоҳазасини келтириб чиқарувчи объект, десак тўғрироқ бўлади” дейди.

Кант мулоҳаза қилиш усулларини иккига бўлади. Булар аниқловчи (мантикий) мулоҳаза ва рефлекторловчи мулоҳазалардир. Хусусан, гўзаллик ва улугворлик каби эстетик категорияларни мулоҳаза қилаётганимизда, биз беихтиёр, рефлекторловчи мулоҳазани қўллаймиз. Рефлекторловчи мулоҳаза билиш билан мослашади. Масалан, берилган жисм ҳақида: “бу катта предмет экан”, деб айтсак, бу математик аниқлаш бўлмайди, аксинча, бу предмет тасаввури ҳақидаги соф рефлекторловчи мулоҳаза бўлади. Бу катталиқни аниқлашда, билиш қобилиятларимизнинг субъектив мақсадга мувофиқ қўлланилишини кўришимиз мумкин. Кант фикрича, бундай ҳолларда биз тасаввур билан ўзига хос хайрихоҳликни ҳам боғлаймиз, экан. Барча нарсаларнинг катта ёки кичиклиги ҳақида, мулоҳаза қилиш мумкин. Ҳатто, гўзалликни ҳам катта ёки кичик деб айтамыз-ку, бунинг сабаби, мушоҳадада нимани тасвирлашимиздан (эстетик тасаввур қилишимиздан) қатъий назар, у ҳодиса деб айтилади, демак, у катталиқка эга.

Агар, объектны шунчаки катта эмас, балки мутлақо катта деб айтсак, у улугворлик ҳисобланади. Дарҳақиқат, улугворлик ҳажм ва миқёс жиҳатидан солиштирилганда ҳамма нарсдан катта, буюк ва улуг бўлган ҳодисадир. Улугворлик мулоҳазасида, унга мос келувчи ҳажм, миқёсни (масштабни) объектдан эмас, шундай мулоҳазани билдирган одамдан излаймиз. Чунки, рўпарамиздаги катталиқ, фақат ўзига тенг бўлган катталиқ, ва у ўз-ўзича улугворлик мулоҳазасини келтирмайди. И.Кант, “улугворликни табиат объектларидан эмас, балки ўзимизнинг ғояларимиздан излашимиз лозим”, деб, бежиз айтмаган. Улугворлик бу, у билан солиштирилганда қолган ҳамма нарса кичик бўладиган нарса. Улугворлик мулоҳазасида, тафаккур, қалб қобилиятлари - ҳиссиётлардан, қай даражада устунлигини кўрсатади.

Кант улугворликни, гўзаллик категорияси билан солиштириб, улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлайди. Жумладан, гўзаллик ва улугворлик ўртасидаги ўхшашлик, уларнинг иккиси ҳам ўз ҳолича (манфаатсиз), ёқавериши билан белгиланади, шунингдек, улар, мантикий мулоҳазани эмас, рефлексия мулоҳазасини талаб қилади. Бу хайрихоҳлик тасаввур қобилияти билан боғлиқ бўлгани учун, уларга хайрихоҳлик ёқимлилиқка, фойдалилиқка ёки бошқа бир тушунчаларга асосланмайди. Иккала мулоҳаза бирликда (бир субъект томонидан) амалга ошади, аммо, ҳар бир субъект учун аҳамиятли бўлишга даъвогарлик қилади. Гўзаллик, идрок тушунчаларини ифодаласа, улугворлик ақл тушунчаларини ифодалайди. Биринчи ҳолатда, хайрихоҳлик сифат билан боғлиқ, иккинчи мисолда, хайрихоҳлик, ҳажм, миқдор билан боғлиқ. Иккинчи хайрихоҳлик (улугворлик) биринчи хайрихоҳликдан (гўзаллик) характерли фарқли жиҳати, гўзаллик жозибадорлик билан

мослашади, у тасаввур ва идрок ўйинидан иборат, ва натижада инсонда ҳаётий фаолликнинг кучайишига олиб келади. Улуғворликда эса, ҳаётий фаолликнинг маълум бир муддатга тўхтаб қолиши, ва ундан кейин, кучли тўлқинланиш каби рўй берадиган, ҳиссиётларнинг катта оқими билан инсон қалбнинг “тўлиб-тошиб кетиш”и кузатилади. Бу энди тасаввур ва идрок ўйини эмас, балки ақлнинг жиддий меҳнати натижаси ҳисобланади. Улуғворлик гўзалликдан фарқли, жозибadorлик билан мослашмайди. Бунда қалб предметга интилмайди, ундан маълум муддатга ўзини олиб қочади. Улуғворликнинг гўзалликдан ички фарқи ҳам бўлиб, бу табиат гўзаллиги мақсадга мувофиқликдан иборат, бунда предмет худди олдиндан бизнинг мулоҳаза қобилятимизга мўлжалланганидек бўлади, шунинг учун хайрихоҳлик предмети сифатида идрок этилади. Аммо, бизда, тафаккурсиз бир қарашдаёқ, улуғворлик ҳиссиётини уйғотадиган ҳодиса, мақсадга номувофиқ бўлиши мумкин, ўз-ўзимизга уни тасаввур қилишга қодир эмасдек кўринамиз. Шу нуқтаи назардан, предметни улуғвор деб, айтсак, ногўри бўлади. Уни “гўзал, аммо улуғворлик ҳиссиётини юзага келтирадиган предмет, деб айтсак тўғрироқ бўлади”, дейди Кант. Биз фақат мазкур предметни улуғворликни тасвирлашга лойиқ деб, айтишимиз мумкин, улуғворлик қалбдан билинади, у бирор бир ҳиссий шаклда бўлмайди ва фақат ақл ғояларига таалукдир. Улуғворлик, ҳиссий билиш мумкин бўлган номутаносиблик туфайли кўзғалиб, қалбга кириб боради. Улкан, дарғазаб ва ваҳимали тўлқинланувчи уммон, улуғворлик объекти бўлмайди, чунки бу манзара, даҳшатнинг ўзгинаси. Аммо, мушоҳадада уммон улуғворлик ҳиссиётини пайдо қилади. Улуғворлик ҳиссиётни ҳис қилиш учун қалб, шундай юксак ғояларга эга бўлиши керак бўлади” .

Улуғворлик дид (гўзаллик) мулоҳазаси каби, тўрт сифати бўйича ўрганилади. Аммо, бундан ташқари улуғворлик гўзаллик муҳтож бўлмаган: динамик ва математик бўлинишга эга. Улуғворлик тасаввур воситасида билиш қобиляти ёки хоҳиш билан билан боғланади. Иккала ҳолатда ҳам мақсадга мувофиқлик ҳақидаги мулоҳаза, шу қобилятларга нисбатан чиқарилади (мақсадсиз ва қизиқишсиз). Биринчиси (билиш), тасаввурнинг предметга математик ёндашганлигини, иккинчиси (хоҳиш) динамик ёндашганлигини акс эттиради. Шунинг учун, предмет икки хил улуғворликни тасаввур қилишга имкон беради.

Шундай қилиб, улуғворлик деб, объектни эмас, рефлексив мулоҳаза тасаввури юзага келтирган руҳий кайфиятга айтамыз. Улуғворликни тафаккур қилганимизда, қалб қобилятининг ҳар қандай ҳиссиётлар масштабидан узиб кетиши мумкинлигига амин бўламиз.

Кант *математик улуғворликка* қуйидагича таъриф беради: “Маълумки, катталики рақамлар билан аниқлаш (алгебрада белгилар билан), математик аниқлаш дейилади. Катталики шунчаки, мушоҳадада, фикран аниқлаш эса эстетик аниқлаш ҳисобланади. Бирор нарсанинг ҳажмини (катталигини) аниқлашда биз (чексиз) рақамларни қўллаб, ўлчов бирлигидан фойдаланамиз. Маълумки, ҳар қандай мантикий ҳисоб математик ҳисоб ҳисобланади. Бироқ, математикада ўлчов бирлиги рақамлар билан ифодаланиши керак ва ўлчов бирлиги маълум бир катталикда бўлса, бу рақамлар билан аниқланади.

Кант фикрича, мушоҳадада асосий ўлчов бирлигини аниқлаш, бевосита объектни илғаш ва тасаввур қилиш билан амалга ошади. Бу рақамли тушунчалар тасвирланишида ҳам қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, табиат предметларининг ҳажмини объектив эмас, субъектив аниқлаш эстетик англаш бўлади.

Объектни математик аниқлашда энг катта катталик бўлмайди (чунки улар чексиз), энг катта катталик, мутлақ ўлчов бирлиги сифатида қаралса, эстетик англаш бўлади. У ўзида улуғворлик ғоясини касб этади ва математик ҳисоб-китоб қодир бўлмаган, таъсирчанликни юзага келтиради. Кант фикрича, математик ҳисоб, бу - ўхшаш катталикларни солиштириб, улардан нисбий катталикини чиқаришдир. Эстетик англаш эса - мушоҳадада қалб илғаши мумкин бўлган даражада мутлақ катталикини аниқлашдир. Бирор катталикини мушоҳада қилиб, уни эстетик англаш учун икки босқичдан ўтиш керак: илғаш ва бирлаштириш.

Дастлаб, илғаш осой кечади, чунки у чексиз давом этиши мумкин. Аммо, у олдинга интилгани сари, бирлаштириш қийинлашаверди, ҳиссий мушоҳада этилган тасаввурининг баъзи қисмлари, яъни

бошида илганган нарсалар, илғаш - илғашда давом этгани сари, охири у максимумига, яъни катталикни аниқлашдаги асосий эстетик ўлчовга, етганда, йўқолиб бошлайди. У бир томондан, илғаб, бошқа томондан, йўқотиб бораверади. Ниҳоят, бирлаштирув тасаввур чегарасидан чиқиб кетмайдиган ўша катталикни камраб олади. Буни генерал Саварининг, Миср эҳромлари ҳақида ёзган хотираларида ҳам кўриш мумкин: “Эҳромларнинг салобатини ҳис қилиш учун уларга жуда яқин бормаслик керак ва улардан жуда узоқ ҳам кетмаслик керак. Агар, жуда узоқ кетилса, пирамидалар (бир-бирининг устига терилган тошлар сифатида), ғира-шира тасаввур қилинади. Агар, жуда яқин келса, пирамиданинг асосидан то чўққисигача илғаш ва уни яхлитлигича идрок этиш учун кўзга узоқ вақт керак бўлади, ва бу ҳақиқий эстетик завқ бермайди. Бунда одатдагидек, тасаввур максимумига етгандан кейин, олдин илганган қисмлар тасаввурдан ўчиб бошлайди, ва токи тасаввур бошқа қисмларини илғаб, бирлаштирамагунча, эстетик англаш ҳеч қачон тўлиқ бўлмайди.

Юксак эстетик даражада бунёд этилган қасрга кираверишда, довдираш ёки ўзини йўқотиб қўйиш кузатилади. Бу одамда, ўз тасаввури ақл ғоясига мос эмаслиги ҳиссиёти юзага келгани сабабли шундай бўлади. Мазкур ҳиссиёт, одам кўрган нарсасини тасаввур қилишига ҳалакит бериб туради; тасаввур максимумига етди, ва уни кенгайтириш мақсадида ўзига қайтади, бунда у хайрихоҳликни ҳис қилади.

Кант фикрича, улуғворликдан хайрихоҳлик энг кутилмаган жойдан келади. Биз, объектни мушоҳада қилаётганимизда, номосликни, аниқроғи, тасаввурнинг мулоҳаза қобиляти учун субъектив мақсадга номувоффиқлигидан улуғворликка хайрихоҳлик юзага келади. Эстетик мулоҳаза соф бўлиши (ақл мулоҳазаси сифатидаги бирор телеологик мулоҳаза билан аралашмаган) ва эстетик мулоҳаза танқидига тўлиқ мос келиши учун, улуғворликни санъат асарларидан (масалан санъат даражасида қурилган бинолар, колонналар ва ҳ.) эмас, чунки унда шакл ва ҳажм одам мақсадига мувоффиқ бўлади, ва табиий (табиат) нарсалардан ҳам эмас, чунки уларнинг тушунчаси ҳам маълум бир мақсадни назарда тутган бўлган (маълумки, ҳар бир ҳайвон ва ўсимликлар вазифаси бўлади), билъакс, улуғворликни ёввойи табиатдан топиш мумкин бўлади, чунки у ўз-ўзидан одамни жалб қилмайди, ҳаяжонга солмайди. Яъни, бир қарашда ёввойи табиатда ҳеч нарса (ажойиблик ёки даҳшат) кўзга ташланмайди, аммо идрок қилганингиз сари, тасаввур уни яхлит қилиб бирлаштира олса, у исталган даражагача кенгайиб бориб, улуғворлик мулоҳазасини ҳосил қилади.

И.Кант **динамик улуғворлик** ҳақида шундай мулоҳаза қилади. Табиатда динамик улуғворликни кўришимиз учун уни қўрқув уйғотадиган сифатида тасаввур қилишимиз керак.

Аммо, қўрқувни юзага келтирадиган ҳамма предметларни ҳам эстетик мулоҳазада, динамик деб, айтиб бўлмайди.

Эстетик мулоҳазада (тушунчасиз) тўсиқларни енгиб ўтиш қарама-қаршилик қилаётган томон даражасига қараб, баҳо берилади. Биз қаршилик кўрсатмоқчи бўлган насра бизнингча, ёвузлик, агар унта бас келмаслигимизни ҳис қилсак, у қўрқув предметига айланади. Эстетик мулоҳазада ўзини стихияларда намоён этувчи, табиат кучи, динамик улуғворлик сифатида кўриб чиқилиши мумкин, чунки у қўрқув предметини ҳосил қилади. Бироқ предметдан қўрқмасдан туриб уни қўрқинчли ҳисоблаш мумкин, унга қаршилик кўрсатишни назарда тутиб, аммо ҳар қандай қаршилик, беҳуда бўлсачи. Масалан, солиҳ одам Худодан қўрқади, қўрқув ҳиссини туймаса, вақти келиб, Худога ёки кўрсатмаларга қарши чиқиши мумкинлиги фикри уни кизиқтирмайди. Кант фикрича, ким қўрқувни ҳис қилса, табиатдаги улуғворлик ҳақида мулоҳаза қилаолмайди, у мойилликлар ва хоҳиш-истаклар ҳумронлиги остида бўлади. Кимдир, ўзини каттиқ ҳаяжонлантирган предметни кўришдан қочади. Аммо қўрқувдан қутулиш, бунга бошқа ҳеч қачон дуч келмаслик аҳди билан боғлиқ, ҳурсандчилик ҳиссини беради. Худди, бошимиз тепасида осилиб, ваҳимали, бизга ҳавф солаётган тоғлар, осмонни қоплаётган қора булутлар, вайронкор кучи билан вулконлар ёки ўзидан кейин ҳеч нарсани қолдирмайдиган довуллар, безовта тўлқинланаётган, чексиз уммон, улкан баландликдан тушаётган шар-шара ва ҳоказолар бизнинг қаршилик кўрсатиш қобилятимизни ўзининг кучи олдида арзимас бир нарсага ўхшатиб қўяди. Бироқ улар қанчалик қўрқинчли бўлса, шунчалик бизни ўзига тортади, албатта биз ҳавфсиз жойда бўлсак. Биз бу предметларни бажонидил улуғворлик деб атаймиз, чунки

улар бизнинг маънавий қудратимизни ўзининг одатдаги, ўртача даражасидан юксалтиради. Биз табиатнинг ҳукмрон кучи билан маънан синашишга имкон яратувчи, қаршилиқ кўрсатишнинг мутлақо янги турини кашф этамиз. Табиат улуғвор деб, саналишининг сабаби унинг фақат кўрқувни уйғотишида эмас, балки тасаввурни табиат билан солиштирилганда буюкроқ қилиб кўрсатувчи даражага кўтарганлиги билан улуғвордир.

Хайрихоҳлик ҳисси аслида бизга табиатан берилган, уни ривожлантириш ва машқ қилдириш бизга ихтиёрий-мажбурий қилиб берилган. Бунда бир ҳақиқат яширинган, яъни инсон, рефлексиясини шу даражагача олиб чиқмаганда, ўзининг кучсизлигини англамаган бўлар эди. Бу мулоҳаза тамойили кундалиқ ҳаётимизда ҳам учраши мумкин, аммо у ҳар доим ҳам англамайди. Табиатда гўзал нарсалар жуда кўп, деган фикримизга ҳамма қўшилади, улуғворлик ҳақида эса ҳамфикрларни топиш қийин. Чунки буюқлик ҳақида мулоҳаза қилиш учун, нафақат юксак маданиятли эстетик онг, балки унинг асосида ётувчи билиш қобилиятига ҳам эга бўлиш керак. Қалбнинг улуғворлик ҳиссиётига мойиллиги, ғояларга таъсирчанликни талаб қилади. Табиатнинг бу ғояларга номос келиши ва уни (табиатни) ғоялар учун жадвал сифатида идрок этишга ҳаракат қилиб, тасаввурнинг қаттиқ зўриқиши оқибатида, кўрқиш ва айни пайтда, ўзига тортиш ҳолати юзага келади. Зеро ақлнинг ҳиссиётлар устидан ҳукмронлиги мана шу номосликда ифодаланади.

Ақл ғоялари ҳиссиётларни ўзига мос кенгайтириб, тубсизликдай кўринувчи, чексизликка бир назар солишига имкон беради. Кант фикрича, улуғворликни маданиятимиз даражаси юксаклиги сабабли кўрамыз, эҳтимол шундай десак саводсиз одамни чўчитиб кўярмиз. У табиатнинг вайронкор ва буюқ қудрати олдида ўзини ожиз ҳис қилиб, фақат ёмонлик ва ғам- ғуссани кўради. Аммо, улуғворликни маданиятли одамлар ҳис қила олади, деганимиз, унинг маданият билан яратилганлигини ва жамиятга конвенционаллик асосида киритилганлигини билдирмайди. Аксинча, бундай мулоҳаза асоси инсон табиатида яширин, инсондан соғлом фикрни кутганимиздек, улуғворлик мулоҳазасини кутишимиз ва талаб қилишимиз мумкин. Мисол учун, бирор объектни гўзаллик деб топдик, бу фикримизга қўшилмагани эса дидсиз деб, бизни кучли ҳаяжонга солган улуғворликдан таъсирланмагани эса - ҳиссиётдан маҳрум инсон, деб, айтишимиз мумкин. Ҳар иккисини ҳам барча маданиятли одамлардан кутишга ҳақлигимиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Кассирер Э. Кант и проблема метафизики. Замечания к интерпретации Канта Мартином Хайдеггером // Кассирер Э. Жизнь и учение Канта. СПб., 1997.
2. В.В.Бартольд. Сочинения. Т.VI. М., 1966.
3. Hasan Ayik. Gazali'nin eleştirileri felsefeyi bitirdimi? Dinbilimleri Akademik Araştırma Dergisi, IX. 2009 y.
4. J.Schacht. C.E.Bostworth. The legacy of Islam. Oxford,1974.
5. M. Edwards. East-West passage. The travel of ideas, arts and inventions between Asia and Westm World, New York. 1971.
6. УМ.Уотт. Влияние Ислама на средневековую Европу. Москва. "Наука". 1976.
7. А.В.Смирнов. Великий шейх суфизма. Москва. Наука. 1993.
8. Шермухамедова, Нигинахон. "Фалсафа." (2010).
9. Namozova, Yulduz. "СОЦИАЛЬНО-ИСТОРИЧЕСКИЙ ГЕНЕЗИС ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ФИЛОСОФИИ, СФОРМУЛИРОВАННОЙ В ТУРКЕСТАНЕ." Theoretical & Applied Science 10 (2019): 370-374.
10. Абдуллаева, Н. (2023). Вопросы языкового и речевого этикета в произведении «Кутадгу билиг», in Library, 22(4), 171-180. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21752>
11. Стёпин, В. С., Чумаков, А. Н., Малюкова, О. В., Матронина, Л. Ф., Дудник, С. И., Драч, Г. В., ... & Кудашов, В. И. (2017). О работе РФО размышляют. Вопросы философии, (11), 5-22.
1. Нишанова, О. (2023). Социальные характеристики этнокультуры, in Library, 7(1), 163-165. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21843>